

# Электр энергияси қачон автоматик тарзда қайта уланиши тўғрисида вазирлик жавоб берди

Хабар берилишича (<http://minenergy.uz/ru/news/view/1015>), АСКУЭ тизими истеъмолчиларнинг 100 фоизини қамраганидан сўнг тўлиқ тартибда ишлай бошлайди. Бугунги кунгача 72% истеъмолчиларга ушбу турдаги ҳисоблагичлар ўрнатилган. Ушбу тизимга тўлиқ уланиш 2021 йил апрелигача режалаштирилган. (<http://minenergy.uz/ru/news/view/1015>)

Image not found or type unknown



«Айни пайтда электр истеъмоли бўйича қарз тўлангач, унинг таъминотини „қўлда“ қайта тиклашга тўғри келмоқда. Бироқ, АСКУЭ тизимига тўлиқ ишлашини узоқ кутишга тўғри келмайди, чунки ҳозирда 5 млн 307 минг 346 истеъмолчи замонавий ҳисоблагичлар билан таъминланган», — дея жавоб берди Энергетика вазирлиги.

Вазирликнинг маълум қилишича, ушбу ҳисоблагичларга эга 2,9 млн (54%) истеъмолчи биллинг тизимига уланган, яъни тўлов амалга оширилгандан сўнг автоматик тарзда электр энергиясини қабул қилиш ишга тушади.